



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (13.812)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИ ХХР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Маълумки, сўнги йиллар давомида Ўзбекистонда рўй бераётган кенг қамлали ислохотлар ва улар бераётган самараларга дунё оммавий ахборот воситалари катта қизиқиш билан қарамоқда. Хитой Халқ Республикасининг матбаа ва электрон нашрлари ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг саҳифаларида замонавий Ўзбекистон мавзуси қаламга олинган хабар-мақолалар тез-тез кўзга ташланади.

Масалан, яқинда ХХРда хитой тилида нашр этиладиган "Фермерлар кундалик газетаси" саҳифасида "Ўзбекистон. Обод қишлоқ – гуллаб-яшнаётган мамлакат" сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бўйлаб қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитларни яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш мақсадида изчил ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод қишлоқ" дастури ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

"Ватан оstonадан бошланади. Ўзбекистон халқининг бу доно мақолида олам-олам маъно бор. Ҳар томонлама қулай ва замонавий уйда истиқомат қиладиган оиланинг меҳнатга рағбати яхши, эртанги кунга ишончи қатъий бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Обод қишлоқ" дастури 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, мамлакатнинг узоқ қишлоқларида яшайдиган аҳолининг турмуш шароитларини тубдан яхшилаш юзасидан кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда", деб ёзади нашр.

Мақолада мазкур дастурнинг жорий йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида, авваломбор, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларида қишлоқ ва маҳаллалардаги аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлашга, уларнинг қиёфасини замонавийлаштиришга ҳамда уларда истиқомат қиладиган аҳоли учун иш ўринларини яратиш сингари муҳим тадбирларни қамраб олгани хитойлик кўп сонли ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган. Унда, шунингдек, 2018 йилда Ўзбекистоннинг 174 та туманидаги 368 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини комплекс равишда янгилаш чора-тадбирлари қабул қилинган дастурнинг устувор мақсадлари сифатида белгилангани ҳам алоҳида қайд этилган.

Нашр ушбу муҳим ҳужжат доирасида 1535 километр тоза ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, сизот сувлар сатҳини пайсатириш, қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган ҳамда қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш ва таъмирлаш учун жами 2083 километр йўللари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек, лизинг асосида 571 замонавий автобус харид қилиниб, қишлоқ ва туман маркази орасида транспорт қатновини йўлга қўйиш, бу йўналишларда 252 та бекат барпо этиш назарда тутилгани ҳам таъкидланади.

"Халқаро молия институтларининг кредитлари ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1847 километр электр таъминоти тармоқларини яхшилаш, аҳолини сувоғланган газ билан таъминлаш учун 44868 та газ баллонни етказиб бериш ҳамда алоқа тизимини модернизация қилиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Маълумки, ижтимоий аҳамиятга эга хизматларни тубдан яхшилаш давлатнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, болалар бочаси, мактаб, оилавий поликлиникалар ва шу каби бошқа жами 736 та ижтимоий соҳа объектини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда, улар лаборатория ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда", деб ёзади газета.

(Давоми 2-бетда)

ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 14 ноябрь кuni Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Урринбосари Манлио ди Стефано бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан суҳбатда сиёсий-дипломатик, савдо, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотни "Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" шаклида мустаҳкамлаш, манфаатли шерикликнинг истиқболли йўналишларини белгилаш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокарада товар айланмасини янада оширишдан икки томон бирдек манфаатдор экани таъкидланди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи якунлари бўйича ўзаро савдо ҳажми 206 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2017 йилга қараганда 20 фоиз кўп.

Қайд этилганидек, 2019 йилда ўтадиган Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бу

йўналишдаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Шу кuni Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон – Италия сиёсий маслаҳатлашувларининг олтинчи давраси бўлиб ўтди.

Мулоқотда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон – Италия ҳукуматлараро ишчи гуруҳи институти фаолиятини бир-

ликда ривожлантириш, ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш имконини берувчи бизнес-форум ва кўргазмалар ташкил этиш таклифи илгари сурилди. Мамлакатларимиз иқтисодиётининг реал секторига ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш учун етарли салоҳият ва имкониятларга эга экани қайд этилди.

Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Урринбосари Манлио ди Стефано бошчилигидаги делегация Инвестициялар бўйича ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмиталарида ҳам музокаралар ўтказди, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ билан Италиянинг "Danieli & C. Officine Meccaniche S.p.A" компанияси ўртасида қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича инвестиция битими имзолаш маросимида иштирок этди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Йил дастури амалда

ФАОЛ ВА ФИДОЙИ КУТУБХОНАЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонасида "Йилнинг энг фаол кутубхоначиси" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу маърифий-ижодий лойиҳанинг асосий мақсади китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, бу борадаги тарғибот ишларини қучайтириш, соҳага доир чора-тадбирларни тизимли, самарали амалга ошириш, ахборот-кутубхоначилик бўйича фидокорона меҳнат қиладиган ходимларни аниқлаш ва уларнинг ижобий иш-тажрибасини омалаштиришдан иборат.

Мазкур танлов ахборот-кутубхона ходимларининг ижтимоий мавқеини юксалтириш, кўзи ожизлар кутубхоналари ходимларини рағбатлантириш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, алоҳида эҳтиёжли фуқароларга ахборот-кутубхона хиз-

мати кўрсатишда инновацион технологияларни кенгроқ қўллашга хизмат қилади.

Танловда юртимизнинг турли ҳудудларидаги кўзи ожизлар кутубхоналарининг ходимлари иштирок этди.

– Бугун кутубхоначилар ҳар қачонгидан ҳам фидойи, касбига содиқ, зукко, юртимизда кечаётган янгилашни жараёнларидан хабардор бўлмоғи керак, – дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон Фанлар академияси кутубхонаси директори, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Зуҳра Бердиева. – Иштирокчилар билимини баҳолашда уларнинг касб маҳорати билан бирга муомала мада-

нияти, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини, юртимизда барча жабҳаларда кечаётган ислохотларнинг моҳиятини китобхонларга еткази олиши, илғор АКТдан хабардорлиги каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Танлов натижаларига кўра, Фарғона вилояти вакили Миролим Мараҳимов биринчи ўринга муносиб топилди. Жиззахлик Ҳайитгул Исматова иккинчи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин буюролик кутубхоначи Бобур Ражабовга насиб этди.

Ҳоли ва совриндорлар диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Н.УСМОҲОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари ҳамкорликда кенгайтирилган йиғилиш ўтказди, дея хабар беради ЎЗА.

Депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил 9 ойлик ижроси ҳисоботи ҳамда 2019-2021 йилларга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳалари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджети умумий харажатларининг 53,4 фоизи миқдорда маблағ сарфланди. Бу маблағнинг асосий қисми таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилди.

Депутатлар Президентимиз ва ҳукумат қарорлари асосида соғлиқни сақлаш соҳасининг айрим тадбир-

ларини амалга ошириш учун режалаштирилган маблағнинг ўз вақтида ўзлаштирилиши таъминланмаганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, иштирокчилар 2019 йилга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси билан таъкидлаш, унда 2019-2021 йилларга белгиланган устувор йўналишларга эътибор қаратди.

Ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши, инвестиция лойиҳалари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши юзасидан парламент назоратини янада қучайтириш, жойларда қонунлар ижросини таъминлаш борасида бир қатор таклифлар билдирилди.

Абдулазиз МУСАЕВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар иттифоқи кенгашига Президент совғаси – "Исузу" автобуслари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман бўлимларига эса 16 та "Спарк" хизмат автомашиналари топширилди.

• Нукус шаҳрида "Қорақалпоғистоннинг миллий кадриятлари" мавзусида халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси "Хунарманд" уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистондаги халқ хунармандчилиги ва амалий санъати кенг оммага намойиш қилинди ва шу ерда моҳир уста-хунармандлар томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

• Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасасида орадан олти аср ўтиб яна туркийзабон ижодкорларнинг шеърлари янгради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика ёш ижодкорлар кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан ташкил этилган "Самарқанд шеър оқшомлари" туркийзабон ёш ижодкорлар анжумани ушбу тарихий масканда бошланди. Тадбирда юртимиз ёш ижодкорлари билан бирга Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжондан келган истеъдодли йигит-қизлар қатнашмоқда.

• Қашқадарёда "Ўзбекистоннинг сунчилик соҳасида кўшилган қиймат занжирини ривожлантириш" ҳамда "Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш" лойиҳалари доирасида кўргазмали форум ташкил этилди. Форумда иштирокчиларга чорвачилик соҳасидаги халқаро экспертлар ва маҳаллий тадбиркорларнинг бизнес юритишда эришаётган ютуқлари ҳамда соҳага жалб қилинаётган халқаро молия институтларининг узоқ муддатли ва имтиёзли кредит маблағлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

• Швейцариядаги "Кристис" аукционидан ўтказилган кимошди савдосида қачонлардир Оппенгеймерлар оиласига тегишли бўлган 19 каратли учта ноёб олмос бошлангич баҳоси 30 миллион долларга белгилангани ҳолда АҚШдаги заргарлик уйларида бири томонидан 50 миллион долларга сотиб олинди.

• Аргентина терма жамоаси ҳамда Испаниянинг "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси жаҳон чемпионатида яхши тўп сура олманган бўлсада, Испанияда йилнинг энг яхши футболчиси ҳамда 34 та гол киритгани ҳолда мамлакат чемпионатининг энг сермахсул тўпурари деб топилди.

• Иркутскда юк машинасининг катта тезликда супермаркет деворига урилиб, ичкарига кириб кетиши натижасида қаттиқ шикастланган аёл оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Ҳозирда ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИ ХХР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Ипак йўлига янги аниқ" электрон портали эса "Ҳамкорликнинг муҳим босқичлари: Қорақалпоғистонда Ўзбекистон - Хитой бизнес форуми бўлиб ўтди" сарлавҳали мақолани хитой тилида ўз ўқувчиларининг эътиборига тақдим этди. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси ташаббус билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Инвестиция қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур иқтисодий анжуманда муҳтор республиканинг расмий ва ишбилармон доиралари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, савдо, муҳандислик, хизмат кўрсатиш, кимё, қурилиш ва озиқ-овқат саноати соҳаларида фаолият кўрсатадиган йирик Хитой компаниялари вакилларининг иштирок этгани билдирилган.

Электрон нашрининг ёзишча, ушбу форум доирасида ўзбек ва хитойлик шериклар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қатор узоқ мuddатли лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг барча қирраларини қамраб олгани, бунда эса иқтисодиёт ва сармола соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутиши аниқлашда алоҳида таъкидлангани ҳам хитойлик ўқувчиларга маълум қилинган.

"Хозирги пайтда Ўзбекистонда Хитой вакиллари иштирокидаги қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина Қорақалпоғистонда хитойлик сармоядорлар иштирокидаги қорхоналарнинг сони 39 тага етди. Утган 9 ой мобайнида минтақада 8 та қўшма корхона барпо этилди", деб ёзади нашр. Мақолада хитойлик ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги хорикий сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва афзалликлар, икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлиги доирасида амалга оширилаётган диққатга молик ишлар, саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик сингари соҳалардаги янги лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш истиқболлари билан боғлиқ маълумотлар ҳам атрафлича қаламга олинган.

Юқоридагилар билан бирга, Хитой Фанлар академиясининг наشري - BCAS журналининг 2018 йил учинчи қоррагига мўлжалланган сониди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улугбек номидаги Астрономия институти директори, академик Шухрат Эгамбердиев ва нашр мухбирининг интервьюси эълон қилинди.

Инглиз тилида чоп этилган мазкур сўхбат "Хитой ва ўзбек астрономиясининг буюк аъёнчаларини қайта тиклаш йўлидаги ҳамкорлик" сарлавҳаси остида ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган. Унда Ўзбекистондаги астрономия тарихи, атмосфера тасвири сифати ҳақидаги кўп йиллик қузатув маълумотларининг банки мавжуд бўлган жаҳондаги тўртинчи расадхона - Ўзбекистондаги Майданак обсерваториясидаги астрофизик тадқиқотлар, эришилган ютуқлари халқаро миқёсда кенг намойиш этилаётгани хусусида атрафлича фикр юритилган. Бундан ташқари, хорикий ҳаммасблар билан ҳамкорликда кўп сонли қузатув ишлари олиб борилаётгани, Мирзо Улугбек номидаги Астрономия институти Хитойнинг Миллий астрономик обсерваториялар уюшмаси билан ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари хусусидаги маълумотлар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

**Шухрат Умиров,
"Дунё" АА мухбири
Пекин**

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига оид концепцияси - келажак авлод эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўзаро узвий боғланган экологик хавфсиз, иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва институционал бирлашган ҳаёт тарзини шакллантиришни ўз ичига олган ғоялар тизимини қамраб олган.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати бу мақсадларга тўлиқ ҳамоҳанг бўлиб, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, одамлар саломатлигини муҳофазалаш, иқсодиётни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланиб, уларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Тошкент шаҳрида "Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш: Марказий Осиё давлатлари, Озарбайжон ва Грузияни қўллаб-қувватлаш" мавзусида ташкил этилган халқаро йиғилиш аввалида Ўзбекистон тажрибаси таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон давлатлари вазирилик ва идораларининг 70 дан ортиқ мутахассиси иштирок этди.

Ўзбекистон Бош прокурорининг ўринбосари Файрат Ҳидоятлов 2018 йил 20 октябрда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорига тўхталиб ўтди.

Қарор билан тасдиқланган Миллий мақсад ва вазифаларда 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар ва улар доирасида амалга ошириладиган вазифалар қамраб олинган. Жумладан, амалга ошириладиган тадбирлар натижасида 2030 йилгача Ўзбекистонда ўта қашшоқликни тугатиш, кам таъминланган аҳоли сонини ҳозиргига нисбатан икки бараварга камайтириш режалаштирилган.

Соғлом турмуш тарзини таъминлаш, касалликлар туфайли бевақт рўй берадиган ўлим сонини 30 фоизга қисқартириш, 2025 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари сонини икки бараварга камайтириш режалаштирилган. Сифатли таълимни таъминлаш, ўқитувчилар сонини кўпайтириш мўлжалланган.

Ушбу мақсадлар Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеясининг 70-резолюциясини бажариш тарафлари экинчилиги билдиради.

Йиғилишда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳаси каби Глобал кун тартибидидаги масалани хусусан, БМТ барқарор ривожланиш концепциясидаги 16-мақсаднинг - "Тинчлик, одил судлов ва самарали институтлар" ва 3-мақсаднинг "Саломатлик ва фаровонлик" (3.3, 3.5 ва 3.8 кўрсаткичлар) хусусиятларини амалга оширишда ягона ёндашув зарурлиги масалалари муҳокама қилинди.

БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси вакили Ашита Миталл белгиланган аниқ мақсадлар бўйича илчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани туфайли дунёда трансмиллий уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси, шунингдек, ОИТС эпидемиясини йўқ қилиш, шу жумладан, гиёҳванд, психотроп моддаларга бўлган боғлиқликни даволаш ва унинг профилактикасини яхшилаш бўйича иш олиб борилаётганини таъкидлади. Бу борада Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда маълум ютуқларга эришилмоқда.

Ўзбекистон БМТ билан самарали ҳамкорлик қилаётган давлат бўлиб, мақсадлари доим муштаракдир, - деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Хелена Фрейзер. - Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар тасдиқлангани бунинг яққол тасдиғидир. Унда қашшоқликни тугатиш, ўлимни камайтириш, билим беришни янада яхшилаш бўйича долзарб вазифалар ҳақида уларни амалга ошириш механизми белгилангани БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун.

Иштирокчилар барқарор ривожланиш соҳасида қилинган ишлар билан бир қаторда амалга оширилган зарур вазифалар бўйича фикр алмашди. Уларга эришилган натижалар мониторинги ва ҳисоботини юритиш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, улар устувор вазифаларга эришиш учун натижаларни жадаллаштириш мақсадида стратегиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги бўйича илғор тажрибалар бўйича зарур ахборотларга эга бўлди.

Эътиборли жиҳати, мазкур тадбирга фаол талабалар ҳам тақлиф этилиб, улар минтақадаги давлатлар мутахассислари билан мулоқот қилиш, ўзларини қизиқтирган саволларни бериш ва фикр алмашиш имкониятига эга бўлди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎАА мухбири**

Қиш тайёргарликни ёқтиради

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУНМИ?

Шайхонтоҳур туманида қиш мавсумига тайёргарлик борасида белгиланган режа асосида кенг ҳажми ишлар амалга оширилди, дейиш мумкин. Туман ҳокими вазифасини бажарувчи Шухрат Мухаммадхоновнинг маълумот беришича, мавсумга тайёргарлик доирасида кўп қаватли уйлар томини ёпиш учун 155 минг кв.м майдон мукаммал таъмирланди, 10 минг кв.м жорий таъмирланди. 368 та кириш йўлаклари, 3750 кв.м фрамуга ойналар кўйилди, 271 та ертўланган муҳандислик тармоқлари таъмирланди. 22 минг метрдан ортиқ тик қувурлар алмаштирилди. 800 дан ортиқ гаражлар бузилди, уларнинг ўрнига 14 та болалар майдончаси қурилди.

Дастурдан ташқари 4 та сектор раҳбарлари томонидан бир қатор ижтимоий соҳа объектлари таъмирланишига эътибор қаратилди. Масалан, прокурор секторида 37-мактаб мукаммал таъмирланган бўлса, солиқ секторида 4 қаватли ётоқхона таъмирлаб берилди. ИИБ секторида 112-МТМ мукаммал таъмирланди. Ҳоким секторида маданият уйи таъмирлаб берилди ва бир қатор қулайликлар яратилди.

51 та маҳалласи бўлган, 330 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Шайхонтоҳур туманида 36 мактаб, 42 та боғча, 12 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, 10 та политехника мавжуд. Кўп қаватли уйлар сони 7020 тани ташкил этади.

"Чархновза" маҳалла фуқаролар йиғини худудига жойлашган 18, 19, 20-кўп қаватли уйлар томи профнастил қопламаси билан ёпилган. Фасадлари бўялиб, фрамуга ойналар янгисига алмаштирилган. Худудда барпо этилган болалар майдончаси, янгидан таъмирдан чиқарилган маҳалла тўйхонаси ва жамоатчилик назорати маскани аҳолига қатор қулайликлар яратилмоқда.

Ибн Сино 1-мавзесида 14 та 5 қаватли ва 3 та 9 қаватли уйлар жойлашган. Уларнинг бирортасига табиий газ қувури кириб бормаган. Гап шундаки, мазкур кўп қаватли уйлар 1987 йилда барпо этилган пайтда уларга газ ўтказиш тартиби лойиҳага киритилмаган. Аҳоли овоз қилиши ёки чой қайнатишда электр қувватидан фойдаланади. Шунинг хисобига олган ҳолда 2018 йилга қадар электр энергияси учун тўлов 50 фоиз микдорда тўланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги қарорига асосан фойдаланилган электр энергияси учун 50 фоизлик имтиёз фақат 9 қаватдан юқори бўлган уйлар учун сакланиб қолган. Ибн Сино 1-мавзесидаги газлаштирилмаган уйларда яшовчилар эса эндиликда фойдаланилган электр энергияси учун юз фоиз ҳақ тўлашмоқда.

Фуқароларнинг электр энергиясининг қарзи қўлдан-қўлга ошиб кетмоқда, - дейди Ибн Сино МФЙ раиси Мухаббат Назархонова. - Албатта, улар тўламагандан кейин ИИБ ижро ишларини олиб бормоқда, жарималар қўлламоқда.

Боғировон кўчаси Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари чегарасида жойлашган. Илгари бу ердан трамвай йўли ўтган. Биласиз, ҳозирда пойтахтимизда трамвай қатнови

тўхтатилган ва темир йоллар йиғиштириб олинган. Боғировон кўчасида ҳам излар олишга олинган урни шундоқ ташлаб қўйилган. Боғировон кўчасига ёндош худудда 29, 31, 33-уйлар жойлашган. Бу уйларнинг чеккароқда эканлиги сабабларини эътибордан четда қолган. Болалар майдончаси йўқ. Ховли деврли қаровсиз аҳолида. Фасад ва йўлаклар таъмирга муҳтож.

Шу 3 та уй ўзи бузилишга тушган, - дейди "Тахтапўл" МФЙ раиси Ж.Қосимов, - фуқаролар билан мулоқот қилганимизда улар ширкат ташкил қилишга розилик беришмади. Сабаби, бу уйлар эскириб кетган. Уларни тўғрилаб бўлмади. Бунга беҳуда маблағ ажратилиш ҳам фойдасиз йўқ.

Ҳақиқатан, бу уйлар бузилиш режасига тушган. Уларнинг ўрнига янги, замонавий, кўп қаватли уйлар қурилади. Бироқ, бу қачон бошланиши номаълум. Аҳоли янги уй орузида муаммоларга чидаб яшашига мажбур бўлмоқда.

"Тинчлик" МФЙдаги 5,3 ҳамда 1-кўп қаватли уйларнинг кўча юзига қараган томини ниҳоятда таъмирталаб. Атрофи чиқиндилардан тазаланмаган. Унинг ички қисмида ҳам аҳоли яши эмас. Ноқонуний қурилмалар, ўзлаштириб олинган жойлар салбий манзара касб этган. Маълумотларга кўра, мазкур кўп қаватли уйлар ширкатга бириктирилмаган.

"Оқпена" мавзесида 1960-йилларда қурилган асосан 2 қаватли уй-жойлар ўрин олган. Улар техник жиҳатдан эскирган. Уларга қўрсатилмаётган хизматнинг сифати яхшиланмаса, улар аста-секин харобалашиб бораверадилар. Мисол учун, 39-уйни олайлик. Унинг йўлаклари, фасадди, том қисми аллақачон таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Ички уйлар ҳам абгор аҳолида. Аҳоли барча қулайликлар бор, шимам уйларда яшашни истифоди.

"Самарқанд дарвоза" мавзеси Гулираво кўчасида 50 га яқин уй-жойлар бўлиб, шундан 10 та хондон канализация тизимига улланмаган. Бу масала ўз ечимини кутмоқда. Бу маҳалла худудидан "Захарик" канали оқиб ўтган. Унинг атрофига қимлардир уйлар қуриб олган. Каналнинг ўзи эса чиқиндилар билан тўлиб-тошган.

Юқорида зикр қилингандай, Шайхонтоҳур туманида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Туман мутасадди раҳбарлари ушбу муаммоларни бартараф этишга эътиборни қаратадилар, деган умиддамиз.

Яшнобод туманида ҳам қиш мавсумига тайёргарлик доирасида талай ишлар амалга оширилган. Айтиш жоизки, белгиланган режа асосида кўп қаватли уйларнинг том қисмини ёпишга, ертўлаларни таъмирлашга эътибор берилди. Яшнобод туманининг умумий майдони 3650 гектарни ташкил этади. 57 та маҳаллада 230 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 911 та кўп қаватли уйлар, 18 минг 239 та ҳовли-жойлар рўйхатга олинган. Шунингдек, 30 та умумтаълим мактаби, 43 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та академик лицей ва 6 та касб-хунар коллежи, 1 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатади.

"Бешарик" маҳалласидаги 15, 17, 18-кўп қаватли уйларга "Бахтли орзу коммунал" ХУЖМШ хизмат кўрсатади. Ширкат томонидан барча уйларнинг томи мукаммал таъмирдан чиқарилиб, кўп йиллик муаммолар бартараф этилди. Бундан аҳоли хурсанд. Кириш йўлаклари ҳам янгиланди. Замонавий фрамугалар, козероглар ўрнатилди. Ертўла тартибга келтирилди. Истиқомат тизимига пухта тайёргарлик кўрилди ва таъминот бошланди. Ховлида ҳам анчагина ободонлаштириш ишлари бажарилди. Уй олдидидаги йўлакларнинг қопламаси янгиланди. Шинамигина болалар майдончаси қурилиб, атрофига ўриндиқлар қўйилди.

Туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳожиаббар Тиллашайхоннинг таъкидлашича, яқинда ёғиб ўтган ёгингарчилик коммунал соҳа ходимларини яна бир бор синовдан ўтказди. Жойига чиқиб ўрганганида, айрим муаммолар борлиги сезилди.

2-сектор раҳбари Олимжон Азимовнинг маълумот беришича, унга тегишли секторда 16 та маҳалла бўлиб, 366 та кўп қаватли уйларга 89 та ХУЖМШ томонидан кўп мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Асосий эътибор мурожаатлар билан ишлашга қаратилди. Тижорат банклари томонидан 8 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар таъмирлаш ишларига йўналтирилди.

"Бойкўрган" маҳалласида жойлашган 11/1-уй илгари ётоқхона эди. Кейинчалик аҳолига хусусийлаштириб, ширкатга бириктириб берилган. Аҳоли уй ичидидаги тик қувурлар эскириб кетганидан шикоят қилмоқда. Кириш йўлаклари аҳоли анча ёмон. Сув ва канализация қувурлари янгиланмай туриб, деворлар таъмирлангани боис сувочилар кўчган. Йўлакларнинг пол қисми ҳам ачинарли аҳолида. Ширкат раҳбари Н.Бобоевнинг айтишича, бу муаммолар кейинги йилда кўриб чиқилади.

"Курувчилар" мавзеси 4-секторда жойлашган. Оҳанрабо кўчаси 8-уйда яшовчилар иссиқлик таъминоти яши эмаслигидан кўп йиллардан бери қийналиб келади. Бу йил ҳам яна уша муаммо! Аҳолининг фикрича, газ ёқиб, ўйни истифода. Турли жойларга, хусусан иссиқлик қорхонасига мурожаат қилишган, "икки кунда борамиз", дейишган аммо натижа бўлмаган.

Бундан ташқари унинг томи тўлиқ таъмирланиши лозим. Кириш йўлакларни тепасидан ва айрим хондонларнинг балконида чакка ўтмоқда. Ховлига ҳам эътибор ке-

рак. Ички йўллари текислаш, болалар майдончаси ва ўриндиқларни янгилаш лозим. Асалобод кўчаси 8 ва 9-уйлар орасидаги чиқиндиҳона аҳоли дилни хира қилади. Чиқиндиҳона атрофи ўрналмаган ва назоратга олинмаган. Ўз вақтида олиб кетилмагани боис чиқиндилар тўлиб-тошган, атрофга сочилиб.

"Бирлашган" маҳалласи Бирлашган 4-тор кўчасида яшовчилардан тушган мурожаатда аҳоли бу кўчадаги йўлнинг носозлигидан мутасаддиларга шикоят қилган. Аммо натижа бўлмаган. Бу худуддаги симёғочлар эскириб кетган. Замонавий устунларни ўрнатиш ишлари бошлангани аммо ишлар негизда қўнғинга етказилмаган.

Жаркўрган кўчасида яшовчилардан тушган мурожаатда ички йўллар таъмирга муҳтожлиги айтилди. Йўл четлари пивдалар йўлга йўқ. Дарахларга шакл берилмаган. Электр ва алоқа симлари дарах шохларига осилиб қолган. Кўча чироқлари тўлиқ ишлаймайди. Жаркўрган кўчасидаги 42, 42 А, 50, 50 А, 52-уйда яшовчиларнинг айтишича, ёгин-соничли кўчаларда болалар мактабга қатнашга қийналишади. Қоронғида чиқиндилар ёнмайди. Кўчадаги чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмайди. Катта автомобиль йўлини кесиб ўтувчи йўл белгилари эскириб кетган. Қўз-қўш мавсуми олдидан ушбу йўллар назоратдан ўтказилмаган кўринад.

Нафақат ички йўллар, ҳатто туманининг ер сарқатнов кўчалари ҳам ачинарли ҳолга келиб қолган. Элбэк ва Мухтор Ашрафий кўчалари кесилган чорраҳадан ўтиб олиш ҳар қандай тажрибали ҳайдовчиларга ҳам қийинчилик туғдириши аниқ. Айрим ҳайдовчилар бу сарҳарат чорраҳага светофор зарур, деб хисоблайди. Иززат кўчасининг 80, 81, 83-уйлар олдидан ўтадиган кўча сарқатнов. Йўлнинг ушбу қисми таъмирга муҳтож. Ҳайдовчилар бу кўчурдан қочса, иккинчисига тушади.

Тўғри, айрим йўллар таъмирланган бўлиши қарамай, бир оз фурсат ўтиб, ёгингарчиликлардан сўнг сифатсиз ишланганлиги билиниб қоляпти. Бундай сифатсиз кўчаларни пойтахтимизнинг исталган туманидан топиб бериш мумкин.

Хулоса сифатида айтганда, қўлланган ижобий ишлардан гурурланмасдан, атрофга синчков назар ташлаб, мавжуд камчилик ва муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, хабар топиб, бартараф этилса, қўзланган мақсадга албатта эришилади. Шундай эмасми?
Жасур ЭЛИМОВ

Сергели тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ИЖТимоий МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТИПОСИДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАҲСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ҲИСОБИНИ 2019 ЙИЛ УЧУН ИШ ҲИСОБИДА ҚИЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазатга муҳтож, иш типидида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиغان шаҳсларни ишга жойлаштириш учун иш Ҳисобининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-қ) асосан ижтимоий муҳофазатга муҳтож, иш типидида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиغان шаҳсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йил учун иш Ҳисобинини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазатга муҳтож, иш типидида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиغان шаҳсларни ишга жойлаштириш учун иш Ҳисобининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия тартиби 1-иловага мувофиқ, 2019 йилда мазкур тоифадаги шаҳслар учун иш Ҳисобининг энг кам миқдори белгиланган қорхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага асосан тасдиқлансин.

2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазатга муҳтож, иш типидида қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиغان шаҳслар учун иш Ҳисобининг энг кам сони 2-иловага мувофиқ ҳодимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 2993 нафарни ташкил этадиган 9,7 фоиз миқдорда, шу жумладан: - пенсионерлар учун 3,2 фоиз (1100 нафар), юқорида қўрсатилган иш Ҳисобининг туманда ногиронлар ишга жойлаштириш бўйича талаб 95 та бўлганлиги сабабли, келгусида 905 та иш ўринини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 1,08 фоиз (1239 та);

унг тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,2 фоиз (675 та);

пенсиясиз ёшдаги шаҳслар учун 1,53 фоиз (471 та); сафарбарлик қаҳриқ заҳирасидан бўлиб қолган ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўшуни сафарбардан мудатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шаҳслар учун 0,99 фоиз (299 та); жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра табиий тусдаги мажбурулов қоралари қўлланилишидан озод қилинган шаҳслар учун 0,4 фоиз (119 та);

ижтимоий муҳофазатга муҳтож шаҳсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қўрбонлари учун 0,3 фоиз (95 та) миқдорда иш ўринлари заҳирасини белгилансин.

3. Ушбу тоифа шаҳслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрига ва ҳодим ўз меҳнат мажбуриятларини тўқисига бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шартларига, шу жумладан, қўйиладиган мувофиқ бўлиши керак.

4. Ўшбу қарор "Биринчи Болғария" бўлган ёшлар ва кўп болали ота-оналар учун иш Ҳисобинини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбини ағзалган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик қаҳриқ заҳирасида

Оммабоб санъат турларидан бири саналган кино кучли тарбиявий таъсирга эга. Яхши кино инсонга маънавий озук, руҳий мадад ва сабоқ беради. Шунингдек, у халқнинг, миллатнинг ўтмишидан сўзловчи, бугунини акс эттирувчи, орзу-умидларини ифодаловчи ижод маҳсулидир. Мукамал яратилган кино асарлар тилдан айтилган аксарият иборалар аллақачон халқ мулкига айланиб улгурган. Шундай экан, кино санъатининг жамиятга, айниқса, санъатсевар халқимизга кўрсатадиган таъсири жуда катта. Кино соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев киноижодкорлар билан учрашганда соҳа олдида қатор долзарб вазифаларни кўйган эди. Ҳамда 2017 йил 7 августда соҳа ривожини кўзлаб "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Ҳуш, ушбу вазифаларнинг ижроси хусусий киностудиялар томонидан қай даражада бажарилмоқда?

"Фаввора фильм" хусусий киностудияси раҳбари Келдиёр ХУЖАЁРОВ билан суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб изладик.

– Биласизми, кино санъатида қаратилаётган эътибор соҳа ходимларини қувонтириши билан бирга иштиёқ ва келажакка ишонч бағишламоқда. – дейди К.Хужаёров. – Хусусий киностудияларимиз сони кўп. Буни ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Аммо улар шу пайтгача давлат ёрдамига муҳтож эди. Президентимизнинг "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларидан кейин улар фаолиятида жонланиш кузатилди, ривожланишга интилиш пайдо бўлди. Мазкур ҳужжатларга кўра, соҳада тизимли ишларнинг йўлга қўйилиши, давлат томонидан бериладиган ижодий грантлар учун ўтказиладиган танловларда хусусий студияларнинг иштироки эътиборга олинган. Ҳозир ижодий рақобат юзага келтирилмоқда. Рақобат бор жойда эса ривожланиш, янгилик, юксалиш бўлиши табиий. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, киностудияларимиз олдида ҳар томонлама мукамал, юксак савияли, бадиий дид ва маҳорат билан ишланган кино асарлар яратиш вазифаси турибди.

– Сизнингча, кино тарғибот воситасими ёки санъат?

– Кино – бу, аввало, санъат. Ўз навбатида, тарғибот воситаси ҳам. Собик шўро тузуми даврида кино шу тузум мафқурасига хизмат қилган. Уша пайтда ҳам миллий руҳ акс этган – "Маҳаллада дув-дув гап", "Тўйлар муборак", "Ўткан кунлар", Навоий, Мирзо Улуғбек сингари улғу аждодларимиз ҳақида олинган тарихий кино асарларимиз бўлган.

– Киноиндустрия ҳақида нима дея оласиз? Кўпчилик АҚШ ва Ҳиндистон кино маҳсулотлари жаҳонни қамраб олганини таъкидлашади...

– Президентимизнинг ижодкорлар билан учрашувдаги маърузаларидан бирида 1996 йилга қадар мамлакатимизда мавжуд бўлган 342 та киши ва ёзги киностудияларнинг 323 таси ўтган йиллар мобайнида хусусийлаштирилиб юборилгани ва уларнинг асосий қисми савдо мажмуаси, тўйхона, бозорга айлантирилиб, фаолияти буткул ўзгартирилган ёки бузиб ташлангани айтилган эди. Бугунги кунда мулкчилик шакли турлича бўлган 176 та киностудиядан 8 таси авария

ҳолатида, 65 таси жиддий таъмирталаб, қолганларининг деярли ярми фаолият кўрсатмайди. Ачинарли ҳолат, албатта. Бу йўналишда дунё тажрибасини ўрганиш керак. Ривожланган Европа давлатларида кичик-кичик шаҳарларда ҳам кўплаб замонавий шинамгина кинотеатрлар борлигига гувоҳ бўлганман.

– Кинопрокат масаласи-чи?
– Шу пайтгача кинопрокат тизими мутлақо қоникарсиз аҳволда эди. Кинопрокатдан тушган фойданинг ярмидан кўпи кинотеатр эгалари қўлида қолиб келмоқда. Бундай шaroитда фильм ишлаб, иқтисодий

фойдага эришиш ҳақида гапириш мушкул...

Президентимиз ташаббуси билан бу борада ҳам жиддий ислохотлар бошлаб юборилди. Яқинда мамлакатимиздаги мавжуд кинопрокат тизимида кўп йиллик анъаналарни йўққа чиқарган "оламшумул" бир янгилик содир бўлди – киностудияларнинг мамлакатимиздаги давлат тасарруфига бўлган мавжуд кинотеатрлар билан тўғридан-тўғри алоқалари туратилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 июлдаги "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 6 апрелдаги "Республикада ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлашга йўналтирилган республика кинопрокат тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзбекино" миллий агентлиги тизимида Республика кинопрокат маркази ва худудларда филиаллари ташкил этилмоқда. Бундан буён "Ўзбекино" миллий агентлиги тизимидаги барча кинотеатрларни миллий ва хорижий фильмлар билан таъминлаш марказлашган ҳолда Республика кинопрокат маркази томонидан амалга ошириладиган бўлди. Эндиликда кинопрокат тизимига кирувчи барча кинотеатрларда фильмлар намоишини ташкил этиш хусусий кино ишлаб чиқарувчилар – студиялар ва дистрибуторлар билан тузиладиган шартномалар асосида Республика кинопрокат маркази томонидан амалга оширилади. Киноиндустрия бозори талаби ҳам шу, аслида.

– Маблағ, яхши сценарий, режиссёр. Хусусий студияларда бугун қайси бирига эҳтиёж кўпроқ?

– Бу биз учун жиддий масала. Уларнинг ҳар бирига эҳтиёж катта. Маблағ топсангиз, қизиқарли сценарий асар ва бу ишни қўйилган бажарадиган режиссёр излайсиз. Хусусий бизнес бекорга пул сарф қилишни

ёқтирмайди. Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган бўлиши, ҳар бир саъй-ҳаракат молиявий жиҳатдан ўзини оқлаши керак. (Бу хусусий студиялар фақат пул ортидан кувади, дегани эмас). Ватанпарварлик, миллий манфаатлар ва маънавият биз учун ҳам биринчи ўринда туради. "Фаввора фильм" студияси 2012 йил апрель ойида фаолият бошлаган бўлса, шу пайтгача "Сабоқ" (режиссёр Феруза Эгамбердиева), "Бурч ва муҳаббат" (режиссёр Озод Шамс), "Қора қузғун" (режиссёр Хилол Насимов), "Потерянное счастье" (режиссёр Феруза Эгамбердиева), "Қанотсиз фаришталар" (режиссёр Севара Халилова) бадиий фильмлари ва 50 га яқин ҳужжатли фильмлар суратга олинди. 3 мингдан зиёд чет эл фильмлари дубляж қилинди. Дейл Карнеги ва бошқа таниқли ёзувчиларнинг инсонни муваффақиятга ундовчи 18 та аудио асарларининг ўзбек тилидаги аудиотасмалари яратилди. Эътибор қилган бўлсангиз, бадиий фильмларимизда ҳам, ҳужжатли фильмларимизда ҳам миллийлик, она юртга садоқат, ватанпарварлик, маънавиятни, улғу аждодларимизни улуғлаш гоёси ва тамойиллари бирламчи ўринда туради.

Ўзбекистон халқ шоирлари Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, Омон Матчон, Ўзбекистон халқ артистлари Обид Юнусов, Отажон Худойшукров, Изро Малаков, Хусан Амиркулов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тождин Муродов, Тоҳир Миралиевлар ҳамда Тошкентда туғилиб вояга етган россиялик машҳур артист Спартак Мишулин ижоди ва фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильмларимиз томошабинлар томонидан яхши қабул қилинган. Яқинда Шаҳрисабзда ўтган халқаро мақом фестивали доирасида юртимизга таширф буюрган АҚШлик ватандошимиз, Ўзбекистон халқ артисти Изро Малаков билан суҳбатда фильмларимизнинг аксариятини қизиқиб билан кўрганини эшитиб, очиги, жуда қувондим. Шу ўринда нокамтарлик бўлса ҳам "Большое сердце Ташкента" номи рус ва инглиз тилида олинган ҳужжатли фильмимиз Россиянинг "Культура" телеканални орқали бир неча бор намоиш этилганини айтмоқчиман. Ушбу фильмларимиз билан Қозғоғистоннинг Олмаота ва Беларусунинг Минск шаҳарларида ўтказилган кинофестивалларда қатнашдик. Минскда 1-даражали диплом билан тақдирландик.

– Тарихий мавзуларга қўл уриш ниятингиз ҳам борми ва ҳозир қайси режиссёрлар билан ҳамкорлик қилаясиз?

– Ўта нозик ва мураккаб иш. Биз бу йўналишдаги имкониятимизни ҳужжатли фильмда синаб кўрдик. Яқинда Жалолиддин Манғуберди ҳақида ўзбек, инглиз, немис ва турк тилларида ҳужжатли фильмни суратга олдик. Жамоатчилик фикрини билиш мақсадида "Фаввора фильм" расмий веб-сайтида томошабинларга ҳавола этамиз.

Маҳоратли режиссёр Хилол Насимов билан 2012 йилда фаолиятимизни бошлагандан буён ҳамкорлик қилиб келамиз. Ҳозир ҳам режиссёр билан янги асар устида бирига ишлаяпмиз.

Суҳбатимиз ақунда, интернет замонида бугунги ёшлар ҳаётида киновнинг таъсири тобора кучайиб бораётганини таъкидламоқчиман. Ана шу тенденциянинг ўзидек халқимизга, айниқса, ёшларимизга миллатнинг руҳи акс этган кинолар кераклигини даъват қиламан. Оддий сюжетлар билан эса ҳозирги ёшларни қизиқтириб бўлмайди! Кинога креатив ёндашувлар лозим.

Ў.А. МУХОБИРИ
МОҲИГУЛ ҚОСИМОВА
СУҲБАТЛАШДИ

Қарор ва ижро

КИНО САНЪАТИ УЛКАН ТАРҒИБОТ КУЧИГА ҚОДИР



ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНА БИР ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНА

Статистик маълумотларга кўра, пойтахтимизда бугунги кунда элликка яқин меҳмонхоналар фаолият юритади. Уларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Зеро, эндиликда мамлакатимизнинг туристик салоҳияти юксалиб, меҳмонхоналарга бўлган талаб ортмоқда.

Яқинда Миробод туманида жойлашган "Кўйлик-4" мавзесида "Daniel Hill Hotel" меҳмонхонаси иш бошлади.

Мажмуа раҳбари Улуғбек Содиқовнинг таъкидлашича, меҳмонхонага 2016 йилда тамал тоши қўйилган бўлиб, у икки йил давомида қурилган. Меҳмонхона худуди 70 сотих ер майдонига эга бўлиб, 8 қаватдан иборат.

Ертўлада сауна, бассейн, тренажёр зали, юк сақлаш хонаси мавжуд. 1-қаватда маъмурият, ҳисоб-китоб, менежмент бўлимлари жойлашган. Меҳмонхона шарқона дизайн услубида безатилган. Деворларда Буюк Ипак йўли ва қадимий Ўзбекистон манзаралари акс эттирилган. 2 - қаватдан бошлаб меҳмонлар учун ётоқхоналар то 7-қаватгача стандарт ҳолатда жойлаштирилган. Ҳар бир қаватда 2 тадан хоналар ўрин олган.

7-қаватда апартамент хоналар, яъни 10 та хона оилавий ётоқ хоналари жойлашган. Хоналар ўш шaroитини беради. Яъни, алоҳида ошхона, бир неча ванна, ҳолатхона, санузел, болалар хонаси ва катталар хонаси ўрин олган. Хоналарда меҳмонлар учун барча шaroитлар яратилган, қишда иссиқ,

ёзда салқин ҳаво эсиб туради. 8-қаватда эса 200 ўринлик ресторани иш олиб боради. Ресторанда арталб 7.00 дан 10.00 га қадар нонушта бўлади. 10.00 дан 23.00 га қадар тушлик, кечки овқатлар ресторани услубида хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари 1-қаватда туркиялик ошпазлар билан ҳамкорликда "TAYLAN SEF STEAKHOUSE" асосида гўшт маҳсулотлари билан тамадди қиладиган ресторан барпо қилинган. Пастки ресторан 150 кишига мўлжалланган. Шунингдек, 1-қаватда қаваҳона, гўзаллик салони доимий фаолият кўрсатади.

Меҳмонхона йирик лойиҳалар мажмуи бўлиб, жаҳоннинг энг ривожланган меҳмонхоналари тажрибаси умумлаштирилган. У ўз фаолиятини бошлаши билан 120 киши иш билан таъминланади. Асосан туризм йўналиши бўйича коллежни битирган ёшлар иш юритмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентда яна бир замонавий меҳмонхона мажмуаси билан бойиди. У узоқ йиллар пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижий сайёҳларга хизмат қиладди.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

Саховат

НУРОНИЙЛАР ДИЛЛАРИ ШОД БЎЛДИ

Халқимиз орасида шундай саховатли инсонлар борки, уларнинг қилаётган ҳар бир иши савобга айланиб, элу юртнинг дуосини олишади. Бундай кишилар оддий ва содда, ўта камтарин бўлишади. Бажараётган ишларини бошқаларга кўз-кўз ҳам қилишмайди. Эл дарди билан ёниб, дардмандларга малҳам бўлиш ишиқид яшашади. Шайхонтоҳур тумани кўзи ожизлар жамияти раиси Талъат ака Азимовни ҳам шундай саховатли инсонлар сирасига киритиш мумкин.

Шайхонтоҳур тумани кўзи ожизлар жамиятида ўтказилган тадбирга борганимизда мўъжазгина хонада юз нафар кўзи ожиз ногирон онахону отахонлар тўпланиб, нурунийлардан Нодира Мирзаева, Дилфуза Шермухамедова, Исроил Ориповларнинг тузилган кунлари нишонланаётганининг устидан чиқдик. Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ижросидаги тарихий қаҳрамонлар монолоғларидан намуналар ва устозода Файзулла Қўлибаевлар, хушовоз хонанда Баҳодир Тошмухамедовнинг лирик қўшиқларига рақсга тушаётган онахон Нафиса Акбарова, Эльмира Рамазонаванинг хиромларидан мўъжазгина хонанинг сатҳи гўё кенгайиб, бу ерга файзу барака ёғилгандек бўлди. 42-мактаб ўқувчиларининг бегубор дил сўзлари, шоира Фарида Усмонованинг она ҳақидаги шезърлари дилларни яйратди. Айниқса ногирон онахону отахонларнинг қалбидан уфуриб чиқаётган миннатдорчилиги, бегубор қулгуларини сэмийий дил сўзлари ҳар қандай инсоннинг қалбини жунбашга келтириши табиий. Уларнинг миннатдорчилик сўзларида элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган тинчлик сиёсати учун шукроналик туйғулари ўз ифодасини топди.

Албатта, ҳар ойда икки мартаба бундай кечани мунтазам ташкил этишининг ўзи бўлмайди. Ҳомийларни топиш, уларнинг жайру эҳсонларини тартибли равишда адолат билан жамият аъзолари ўртасида тақсимлаш осон иш эмас. Бу

ишларни Шайхонтоҳур тумани кўзи ожизлар жамияти раиси Талъат ака Азимов жамият аъзоларидан Нафиса Акбарова, Дилфуза Шермухамедова, Хайрулла Саидов, Равшан Аҳмедов, Обид Абзалов каби жонқуяр инсонлар билан бамаслаҳат, махсус тайёргарлик асосида сидқиқидилдан амалга ошираётганликлари туфайли ўтказилаётган ҳар бир байрам тадбири, тузилган кунлар ногирон инсонларнинг кўнгилларига илиқлик бахш этмоқда. Зеро, жамиятнинг фаол хомийларидан "Зангиота" зиёратгоҳининг дирекцияси, "Самарқанд дарвоза" ресторани, "Фортуна текс" тўқимачилик корхонаси, "Райхон" кафеси томонидан ажратилаётган совға-саломлар жамиятнинг юз нафардан зиёд аъзоларининг ҳар бирига тенг тарқатилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг таниқли санъаткорлари Гавхар Зокирова, Эркин Комилов, Фатхулла Маъсудовларнинг чиқишлари ўтказилаётган тадбирларга маънавий озиқ бахш этмоқда.

Халқимизда "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми" деган мақол бежиз айтилмаган. Зотан, ана шундай саховатли инсонлар бор экан, ўйлашимизки, нуруний онахону отахонлар, қолаверса, ногирон инсонларнинг дуолари ижобат бўлиб юртимиз тобора янаша, тинчлигимиз янада мустаҳкамланиб, фаровонлигимиз юксалиб, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом этиб келаверади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ "МЕНИНГ БАЙРОҒИМ – МЕНИНГ ГУРУРИМ" ТАНЛОВИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ДОИМО ҲИЛПИРАЙВЕРСИН!

Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли ҳисобланади. Ер юзиде 195 дан ортиқ давлат мавжуд бўлиб, ҳар бирининг давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва озодлиги, халқаро муносабатлардаги ролини ифодаловчи асосий белгидир.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаётимизда рамз ва тимсолларнинг ўрни катта. Бунга тарих шоҳид. Ватан рамзлари шу қадар улғу ва муқаддас саналганки, унинг учун одамлар жон фидо этганлар. Ерқия мисол сифатида Наҳмиддин Кубро сиймосини келтириш мумкин. Наҳмиддин Кубро Ватан туғини душманга бермаслик учун жасорат кўрсатганини барчамиз яхши биламиз. Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган.

Ўзбекистон истиқлолга юз тутган, ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга дадиллик билан киришди. Давлат рамзлари тасдиқланиб, уларнинг конституциявий мақоми белгилан олинди. **"Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга"** (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-модда).

Ўзбекистон мустақилликка эришган, давлат рамзларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинди. Унинг ҳуқуқий асоси сифатида 1991 йил 18 ноябрда ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Қонгагининг VIII сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Қонун 13 моддадан иборат. Ушбу Қонуннинг 2-моддасида **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир"** дея таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлардаги фаолиятида, бошқа давлатлар ва ҳукуматлар, ташкилотлар билан ўзаро алоқаларида Давлат байроғининг роли жуда муҳимдир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг халқаро муносабатларда ва дипломатик протоколларда белгиланган тартиб-қоидаларини билиб олиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Давлат байроғи доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотлар ҳузурдаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарида бўлиши белгиланган. Шунингдек, хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тасдиқланган дастурларига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда юриш йўналиши бўйича ва бошқа таширф объектларида бўлиши ва кўтарилиши лозим.

Дипломатик протоколларда кўрсатилишича Давлат байроғи давлатлараро ва ҳукуматлараро ёки парламентаро муносабатларда жуда муҳим роль ўйнайди. Шу сабаб хорижий давлат ёки ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегациялар таширф буюришида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши ва туширилиши қоидаларига амал қилинади. "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси юқорида айтиб ўтилган тартиб-қоидаларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладди **"... хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бошқа расмий делегацияларнинг таширф буюришидан 24 соат олдин кўтарилади ва улар жўнаб кетганидан кейин 24 соат мобайнида тушириб қўйилади"**.

Халқаро муносабатларда Давлат байроқларининг ўлчамини, уларнинг кўтарилиш-туширилиш вақти ва ҳолати алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи билан бир вақтда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар байроқлари кўтарилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи халқаро ҳуқуқ нормаларига ва дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ кўтарилади.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши ҳамда бир хил ўлчамга эга бўлиши керак" ("Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш бурчаги қонун нормаларига мувофиқ бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда бўлиши шарт. Кўтариб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси ер сатҳидан 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган дипломатик ҳолатларнинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузурдаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшашган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Агарда юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бажарилмаган тақдирда ёки Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик амалга оширилган ҳолатларда шахслар белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади (Жиноят Кодексининг 215-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 203-моддаси).

Қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинганга 27 йил тўлапти. Ўтган давр мобайнида Давлат байроғи Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи муносабатларида жуда муҳим роль ўйнади. Дипломатик муносабатларда Ўзбекистон Республикаси суверенитетини ифодалашга хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини асраб-авайлаш ва унга нисбатан ҳурматда бўлиш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бинобарин, ниятимиз шунки, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи абадий хилпирайверсин.

Шаҳруз СОБИРОВ,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети талабаси

Спорт янгиликлари



ЧОРАК ФИНАЛНИНГ ДАСТЛАБКИ БАҲСИ ЯКУНЛАНДИ

Россиянинг Хант-Мансийск шаҳрида шахмат бўйича аёллар ўртасида "нокаут" тизимидаги жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Жаҳон чемпионатининг соврин жамғармаси тўрт юз элик минг АҚШ долларини ташкил қилади ва ғолиб шахматчи олти минг долларга эга бўлади. Ушбу жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ягона вакиламиз, аёллар ўртасида халқаро гроссмейстер Гулруҳбегим Тоҳиржоновна муваффақиятли ҳимоя қилмоқда.

Гулруҳбегим айна пайтда чорак финалга етиб борди. Кунни кеча ҳамюртимиз ушбу босқич доирасида хитойлик гроссмейстер Цзюй Вэньцзюнга қарши қора доналарда ўйин ўтказди ва дурангга эришди. Шунингдек, Александра Костенюк ва Анна Музичук беллашувида ҳам кучлар тенг келди.

МУСОБАҚА СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Футзал бўйича 2018 йилги мамлакат чемпионати секин-аста ўз ниҳоясига етиб бормоқда.

Суперлигада 21-тур учрашувлари мурасасиз ўтди. Ҳали чемпионат ўйинларининг тугашига яна бир тур бўлса-да, 21-турда чемпион, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари номи аниқ бўлди.

Охириги уч мавсумдан буён чемпионат олтин медаллари эга бўлиб келаётган Олмаликнинг АГМК жамоаси 21-турда "Локомотив"га қарши баҳс олиб борди ва иккала ўйинларда ҳам ғалаба қозонди.

Натижада, олмаликликлар очколари сони 111 тага етди ва иккинчи ўриндаги "Пахтакор" (102 очко) сўнгги турдаги иккала ўйинда 6 очко тўпласа ҳам АГМКга ета олмаслиги ойдинлашди. Шу тариқа АГМК қаторасига тўртинчи йил Ўзбекистон чемпиони унвонига эга чиқди. Кумуш медаллар "Пахтакор" футболчиларига, бронза эса "Нефтчи" вакилларига насиб этмоқда.

Ботир ХҲЖАЕВ

АЙБДОР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Халқимизда "Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деган гап бор. Албатта, нотўғри қилинган хатти-ҳаракат, қилмиш қачондир фош бўлади. Қонунга хилоф қилинган иш эса бугунги технологиялар ривожланган бир пайтда узоққа чўзилмайди, тезда аниқланади.

Нилуфар Раимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) буни яхши англамаганга ўхшайди. Гап шундаки, Н.Раимова ўзининг фуқаролик паспортини "Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун" стикер визасини расмийлаштирмасдан 2017 йилнинг 4 июнь кунини Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти орқали Қозғистон Республикасига учган. Алмата шаҳрига бориб, у ердан 2017 йилнинг 6 июнь кунини белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда Таиланд давлатининг Бангкок шаҳрига борган.

Н.Раимова Бангкок шаҳрига борган аниқ бўлиб ишга жойлашди. У ерда бир йилдан кўпроқ вақт ишлагач 2018 йилнинг 11 сентябрь кунини Бангкокдан Тошкентга қайтди. Ўзбекистон Республикасига қайтиб келгач Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида паспорт

назоратидан ўтаётган вақтида аэропортнинг чегара нazorати дивизиони ходимлари томонидан "Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун" стикер визасини бўлмаслигига қарамасдан Таиланд давлати иммиграция муҳрлари мавжудлиги аниқланиб, унга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган. Суд Н.Раимованинг ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, қарор қабул қилди.

Мамлакатимизда чет давлатларга чиқиб ишлаш ва ўқишга ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас, ammo керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиши талаб этилади холос. Лекин Н.Раимовага ўшаган айрим фуқароларимиз белгиланган тартиб-қоидаларни бузиб, ўзларига-ўзлари муаммо туғдирмоқдалар.

Б.ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Сергели туман суди судьяси

ОФК ТАВСИЯСИГА КЎРА

Маълумки, келгуси йилнинг январь ойида БААда футбол бўйича навбатдаги Осиё кубоги бўлиб ўтади.

ОФК томонидан Осиё кубогига таклиф этилган ҳакамлар ва лайсменлар рўйхати Эвлон қилинди. Бу рўйхатдан Австралия, Баҳрайн, Ўзбекистон, Хитой, Гонконг, Эрон, Ироқ, Япония, Жанубий Корея, Иордания, Саудия Арабистони, Малайзия, Уммон, Қатар, Сингапур, БАА ҳамда Шри-Ланка вакиллари ўрин эгаллашди.

Этиборли томони, Осиё кубогида Ўзбекистондан Равшан Эрматов, Валентин Коваленко, Ильгиз Танташев ҳамма сифатида фаолият юритишади, Абдуғаним Раҳимов ва Жаҳонгир Саидов лайсмен сифатида турнирда ишлашади.

Дарвоқе, Малайзия пойтахти – Куала-Лумпур шаҳрида ОФКнинг юқори даражали ҳакамла-

ри, лайсменлари учун 20-30 ноябрь кунлари ўқув курслари ташкил этилади. Ҳамюртимиз Фарҳод Абдуллаев ушбу ўқув курсларида маслаҳатчи ролини бажаради. Шунингдек, 2-7 декабрь кунлари Таиландда ўтказиладиган осиёлик ҳакамлар малакасини оширишга қаратилган семинарда ҳам Фарҳод Абдуллаев маслаҳатчи бўлиб ишлайди.

ҚОЗОҒИСТОНДАН ОЛТИН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Қозғистонда футбол бўйича 13 ёшлик қарм тўп усталари ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди.

Қозғистонда хизмат кўрсатган мураббий Бауржон Сарсенженов хотирасига бағишланган турнирда қатнашган Фарҳод Нишонов бош мураббийлигидаги "Пахтакор" жамоаси барча рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб, якунда юртимизга олтин медаллар билан қайтди. Пахтакорчилар биринчи ўйинда "Астана" жамоасини 12:0 ҳисобида енгитган бўлса, кейин "Алаш" академиясини 2:1, "Сибир" клубини 2:1, "Актобе" командасини 6:0 ҳисобларида енгиб,

бош соврин учун "Кайрат" билан ўзаро беллашди. Қувонарлиси, мурасасиз кечган баҳснинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳали аниқлаш мақсадида ҳакам томонидан белгиланган пенальтилар серияси 10:9 ҳисобида тошкентликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Турнир якунида Максим Муржаев энг яхши дарвозабон деб эътироф этилган бўлса, тўпурлар баҳсида ғолиб чиққан бошқа бир пахтакорчи Муҳаммадали Уринбоев ҳам алоҳида соврин эгасига айланди.

РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

Келгуси йил март ойида Тошкентда футбол бўйича Осиё чемпионатида саралаш турнири бўлиб ўтади.

Унда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳам қатнашади. Ушбу саралаш гуруҳи ғолиби Таиландда 2020 йилда ўтадиган Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Қитъа биринчилигининг финал раундида 1-3 ўринни эгаллаган жамоаларга 2020 йилда Токиода ўтказиладиган ёзги Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш

насиб этади. Утган ҳафтада ОФК ташаббуси билан Осиё чемпионатида саралаш турнирига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қўрға натижасига кўра, олимпиячиларимиз "F" гуруҳида Ҳиндистон, Тожикистон, Покистон терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради. Саралаш турнирининг

гуруҳ доирасидаги ўйинлар 22-26 март кунлари бўлиб ўтади. Регламентга кўра, саралаш турнири "Шарқ" ва "Ғарб" минтақаларида ташкил этилади. Якунда 11 та гуруҳ ғолиби Осиё чемпионатида йўлланма олади.

Хуллас, олимпиячиларимизни мурасасиз, қизқаркли беллашувлар кутиб турибди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЭНГ МОҲИР ҚИЛИЧБОЗЛАР ТОШКЕНТДА ЖАМ БЎЛАДИ



Жорий йилнинг ноябрь ойида дунёнинг энг моҳир қиличбозлари пойтахтимизга ташриф буюрадилар.

Халқаро қиличбозлик федерацияси қарорига мувофиқ Тошкентда 17-18 ноябрь кунлари ўсмир-қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля тури бўйича

Жаҳон Кубоги мусобақаси бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан барча қиличбозлик спорти ихлосмандлари, ОАВ ходимларини Гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига таклиф қиламиз.

Мусобақалар 17 ноябрь кунини соат 10:00 да бошланади.

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси матбуот хизмати Спорт мажмуаси манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корхожията кўчаси, 2А-уй.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Нодирабегим филиали Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 8а-уйда жойлашган банк биноси ичида эркаклар ва аёллар ҳоҳлатларини мукамал таъмирлаш мақсадида махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида 7 (етти) календарь кунга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 8а-уй. Телефонлар: (71) 241-91-48, (90) 328-22-82.

"101"

ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

Этиборсизлик, лоқайдлик ёнгинларнинг келиб чиқиш ўчоғидир.

Юқори қувватли электр жиҳозларнинг кўпчилиги ёнгиннинг асосий сабабчиси. Масалан, қуш-қуш мавсумидаги жуда кўп ток кучини талаб қилувчи, кенг тарқалган электр иситкичлар ёнгиннинг асосий сабабчилари бўлиши мумкин. Бундай асбобларни электр розеткага уланганида электр симларида электр токи катта куч билан ўта бошлайди. Бу аввал ўтказкичларнинг қизишига, кейин уларни эришига ва охири-оқибатда ёнишга олиб келади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этмас оиламиз, фарзандларимиз, ота-онамиз ҳавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

Дилдора ҒАНИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофизат қилувчи ЕХБ кичик инспектори, кичик сержант

Халқ мулки, турар жойини ёнгин офатидан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳим.

Бундан қўзланган асосий мақсад ёнгинга қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олишга кенг аҳолини жалб этишдан иборатдир. Аҳолига эса, ўз уйларида ёнгинларнинг олдини олиш учун қуйдаги таъминларни яна бир бор эслатиб ўтамоиз: очик алангадан фойдаланганда эҳтиёт чораларини кўринг; электр билан ишлайдиган асбобларнинг соз эканлигини мунтазам тарзда назорат қилиб туринг; қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг; электр симларини ўйиннинг ёнуви қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказишини таъминланг.

Улугбек МАҲАММАДЖОНОВ,
Шайхонтоҳур тумани ЕХБ бошлиғи, подполковник

Аёзли кунлар бошланиши билан уйимизни иситишга бўлган этибор янада ортади. Бу табиий ҳол албатта.

Ёнгин ҳавфсизлиги бўлимимиз ёнгин назорати ва профилактика гуруҳи инспекторлари томонидан жорий йилнинг шу кунга қадар ёнгин ҳавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларнинг бу борадаги билимларини ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Маҳалла ва кўп қаватли уйлارда қиш мавсумида иситиш мосламалари ва газдан нотўғри фойдаланилган, дудбурон ўрнатилмаган оқибатда ис газидан захарланиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Бироқ айрим фуқароларимиз томонидан қонда талабларнинг қўпол равишда бузилиши ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Жумладан: газ қувурига ўзбошимчилик билан резина шланг улаб фойдаланиш, электр қувватини ўргинча олиш каби салбий ҳолатлар аниқланиб, чоралар кўриб борилмоқда.

Наврўз РОҲАТОВ,
Тошкент ИЭСни ёнгиндан муҳофизат қилувчи ЕХБ инспектори, сержант

Ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнгин ҳавфсизлиги қонун-қоидаларини тўшунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилляпти.

Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилётган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни кучайтириш, ёнгинларнинг олдини олишга барчани жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйининг ўзинг асра" деган шир ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

Дилмурод РИХСИЕВ,
27-ХЕХК ёнгин ўчирувчиси, сафдор

Кўп ҳолларда ёнгинларнинг юз беришига ўзимиз сабаби бўлиб қоламиз. Мана шу бепарволигимиз оқибатида эса қўлаб ноҳушлиklar келиб чиқади. Шу ўринда ёнгиннинг моҳиятига назар солмоқчимиз. Ҳўш, ёнгин ўзи нима? Ёнгин – инсонлар ҳаёти ва соғлигига таҳдид солувчи, моддий бойликларни бир зумда йўқ қилиб ташлаши билан бирга, назоратдан чиқиб кетган ёнги жароғидир.

Кўриниб турибдики, халқ мулкини "тилсиз ёв"дан муҳофизат қилиш, ёнгин ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Шерзод ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биносини ёнгиндан муҳофизат қилувчи ЕХБ катта инспектори, катта сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат техника университети томонидан Сағатова Ирода Мирабадновнага 2000 йилда берилган В № 014502 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Юнусобод 12-даҳаси, 15-уй, 1-хонадон учун Мамажоновна Фағии Аҳмадова номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 16 ноябрь кунини ҳаво ўзгариш турари, ёнғинчилик бўлмайдми. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарҳдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат

кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи - 9-11 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратаяди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳақми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4258 нусхада босилди. Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г- 1136

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30